

## Хитой Халқ Республикаси

<http://www.uqlc.ru/china-export-import/>

сайт материаллари бўйича

Қонунчилик ва стандартлар Хитой бозорига киришнинг пойдеворидир. Стандартлар, хусусан, миллий мажбурий стандартлар ҳам маҳсулотни бозорда жойлаштиришдан сўнг назорат қилиш бўйича қонунчиликни кучайтириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

### **Маҳсулотни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш**

Хитойда, инсон, ҳайвонлар ва ўсимликлар соғлиғи ва хавфсизлиги, шунингдек атроф муҳит ва ижтимоий хавфсизлик учун хавфли бўлиб ҳисобланган маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш тизими жорий этилган.

Давлат кенгаши томонидан таъсис қилинган Хитой Халқ Республикасининг сертификатлаштириш ва аккредитлаш бошқармаси мамлакатдаги сертификатлаштириш ва аккредитлаш фаолияти учун масъул идора ҳисобланади.

Сифат устидан назорат, инспекция ва карантин бўйича умумий бошқарув маҳсулотни мажбурий сертификатлаштиришга доир миллий қоидалар ва талабларни белгилаб, Мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлайди.

Сертификатлаштириш ва аккредитлаш бошқармаси Хитойда маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш тизимини бошқаради, ташкил этади ва жорий қилади. Рўйхатда кўрсатилган барча маҳсулотлар тегишли оғанда сертификатланиши лозим.

Хитой Халқ Республикасида Мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати қуйидаги манзил бўйича жойлаштирилган:

<http://www.cqc.com.cn/english/ProductCertification/CCC/CertificationScope/webinfo/2011/08/1312736507034722.htm>

Рўйхатда кўрсатилган маҳсулотлар қуйидаги алоҳида моделлар ва схемалар бўйича сертификатланади:

конструкция (тузилиш)ни баҳолаш;

турни синаш;

намуналарни текшириш ёки ишлаб чиқариш жойида назорат қилиш;

намуналарни текшириш ёки бозорда назорат қилиш;

компаниянинг сифатни таъминлаш тизимини аудитдан ўтказиш;

кейинчалик инспекция қилиш.

Маҳсулотни сертификатлаштириш модели маҳсулот тавсифи, инсон соғлиғи, атроф муҳит ва ижтимоий хавфсизлик учун потенциал хавф-хатарлар, шунингдек маҳсулотнинг ҳаётий цикли ва бошқа каби интеграция қилинган кўрсаткичлар бўйича белгиланади.

ССС – Рўйхатда кўрсатилиб, бозорда жойлаштириш, импорт қилиш ва қўллаш учун рухсат этилган маҳсулотга қўйиладиган Хитойнинг мажбурий сертификатлаштириш белгиси (China Compulsory Certification).

Маҳсулотни мажбурий сертификатлаштиришдан ташқари Хитойда маҳсулотни ихтиёрий сертификатлаштириш амал қилади, ва у учун Хитой сертификатлаштириш ва сифат маркази масъулдир.

Ихтиёрий сертификатлаштириш белгиси – CQC. Маҳсулот, сифат, хавфсизлик, атроф муҳит ва ишчи тавсифларга доир талабларга мувофиқлиги бўйича текширилади. CQC белгиси 500 дан ортиқ маҳсулот турларига қўйилади.

### **Хитойга маҳсулот олиб кириш**

Экспертиза ва карантин бўйича идораларнинг талабларига биноан Хитойга импорт қилинадиган бир қатор маҳсулотлар сертификатланиши лозим. Ушбу сертификатларни тақдим этувчи органлар: Квоталаш ва лицензиялаш ишлари бўйича бошқарма; провинциал даражасидаги ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик идоралари, Хайнань, Гуйчжоу, Тибет ва Нинся-Хуэйдан ташқари; Шэньян, Далянь, Гуанчжоу, Сиань шаҳарларининг ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик идоралари.

**Хитойга ёғочли ўрамда маҳсулот олиб киришда**, ўрамга махсус ишлов берилиб, унда ҳеч қандай зараркунандалар топилмаганини тасдиқловчи фумигация сертификати тақдим этилиши зарур.

**Хитойга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб киришда**, мажбурий равишда этикетка сертификатланиши лозим.

Ушбу сертификатни расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади:  
1. Food Industry Association каби ассоциация ёки маъмурий органлар томонидан тақдим этилган, ишлаб чиқарувчи мамлакатда эркин ишлаб чиқариш ва сотиш тўғрисидаги сертификат ҳамда Барча турдаги маҳсулотларга ягона сертификат (икки нусхада).

2. Этикетка (ҳар бир маҳсулот учун 8 дона). Улардан 2 товар ўрамида берилиши, 4 - А4 форматли (21 см\*29.7 см) варақда рангли кўринишда чоп этилиши керак.

3. AQSIQ бўйича тестдан ўтказиш учун очилмаган ўрамдаги маҳсулот намуналари (ҳар бир маҳсулотдан 1500 грамм)

4. Ишлаб чиқарувчи-корхонанинг муҳри билан тасдиқланган, ишлаб чиқариш учун бизнес лицензиянинг икки нусхаси.

Хитой қонуни томонидан алоҳида ҳар бир этикеткани рўйхатга олиш учун ставка белгиланган, у 2300 RMB га тенгдир. Сертификатлаштириш муддатлари – 60 календар кун.

2001 йилнинг декабрь ойида Хитойнинг сифат устидан назорат, инспекция ва карантин бўйича бош давлат бошқармаси (State General Administration of Quality Supervision, Inspection and Quarantine of the People's Republic of China) Маҳсулотни мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини (Regulations for Compulsory Product Certification) нашр этди. Маҳсулотни мажбурий сертификатлаштириш тизими дастлаб ишлаб чиқилган Товар инспекциясининг Сифатли лицензиялаш тизими ҳамда Электрон асбоб-ускуналар учун маҳсулот хавфсизлигини сертификатлаштириш тизимининг ўрнини эгалламоқда.

Хитойнинг Маҳсулотни мажбурий сертификатлаштириш тизими (China Compulsory Product Certification) қисқартирилган ҳолда ССС ёки 3С деб номланади. Бу, ҳамма жойда халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилиниб, қонун томонидан белгиланган, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда шахсий хавфсизлик ва мол-мулк хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўли бўлиб ҳисобланувчи маҳсулот хавфсизлигини мажбурий сертификатлаштириш тизими.

Маҳсулотни мажбурий сертификатлаштириш, 20 тоифага тақсимланган 135 турдаги маҳсулотга тааллуқли, жумладан маиший техника, моторли транспорт воситалари, мотоцикллар, тиббий жиҳозлар, кабеллар, симлар ва ҳ.к. ССC ССС каталогининг 17 тоифаси бўйича маҳсулотни мажбурий сертификатлаштириш ишларини амалга оширади.

### **ССC/CP019-2003 ССС сертификатлаштириш учун ариза бериш учуни қўлланма**

Ҳозирги вақтда Хитой сифатни сертификатлаштириш маркази гувоҳнома расмийлаштириш учун берилган аризаларни Интернет орқали ёки ёзма шаклда қабул қилади. Интернет орқали (биринчи марта) ариза бериш учун [www.cqc.com.cn](http://www.cqc.com.cn) веб-сайтида янги фойдаланувчи сифатида руйхатдан ўтиш лозим.

Кейинги сўроқни осонлаштириш учун руйхатдан ўтишда керак бўлган барча батафсил маълумотларни диққатлик билан тўлдириш зарур. Рўйхатдан муваффақиятли ўтгандан сўнг тизим керакли маълумотларни умумий қабул қилинган ҳужжатлар, ариза шакллари ва б. кўринишида тақдим этади.

Янги ариза бериш – ариза шакли олдиндан тўлдирилиши мумкин:

1. ССС сертификати ҳам хитой, ҳам инглиз тилида расмийлаштирилиши мумкин; аризани хитой тилида тўлдирувчи чет элликлар ҳамда шаклни инглиз тилида тўлдирувчи хитойликлар юридик тасдиқланган таржимага эга бўлиши керак.

2. ССС+СВ ёки ССC+СВАга ариза беришда аризачи и [www.cqc.com.cn](http://www.cqc.com.cn) веб-сайтида кита шаклни тўлдириши мумкин.

3. Ҳар хил тавсифларга эга бўлган бир турдаги маҳсулотни битта жадвалга киритиш учун барча турдаги маҳсулотларнинг таснифланиши билан астойдил танишиш керак.

4. Бир турдаги маҳсулотни ҳар хил савдо маркалари остида ёки ҳар хил турдаги маҳсулотларни ҳар хил маркалар остида битта шаклга киритишда ушбу савдо маркалари рўйхатга олинганлигига эътибор қаратиш лозим.

5. Кўп функцияли маҳсулотни сертификатлаштиришда маҳсулот тури маҳсулотнинг асосий функциясини синаш стандарти бўйича белгиланиши керак.

6. Дастлабки ариза беришда корхона текширилганлиги тўғрисидаги қайд бўлиши зарур. «Дастлабки ариза» графасини танлаб, «изоҳлар» графасига корхонани текшириш учун мўлжалланган санани ёзиб қўйиш керак.

7. Такрорий ариза берилганда «такрорий ариза» графасини танлаб, изоҳларга корхонанинг серия рақамини ёзиб қўйиш керак.

8. Маҳсулотни ўзгартириш учун ариза беришда: олдинги сертификат сонини белгилаш ва янгисини олганда аввалгисини қайтариш зарур.

9. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот аллақачон сертификатлаштирилган маҳсулот тегишли бўлган тоифага тааллуқли бўлса у учун ариза берилиши мумкин.

Аризачи юридик шахс (ишлаб чиқарувчи) номидан ариза берган ҳолда уни аниқлаб кўрсатиши керак. Ёзма ариза берилганда Хитой сифатни сертификатлаштириш маркази барча маълумотларни [www.cqc.com.cn](http://www.cqc.com.cn) веб-сайтида жойлаштиради ва аризани тўғридан-тўғри ёки факс орқали тўлдириш учун керакли ҳужжатлар рўйхатини тақдим этган ҳолда аризачига фойдаланувчи ном ва паролини маълум қилади.

### **Хитойда товарларни импорт ва экспорт қилиш бўйича чекловлар:**

Хитойдан экспорт ва импорт қилиниши тақиқланган товарлар рўйхати, товарларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилишини қонунчиликка мувофиқ ҳолда назорат қилиш, Хитойнинг тегишли давлат тузилмаларидан бериладиган импорт ва экспорт қилиш рухсат этилиши тўғрисидаги ҳужжатлар, лицензиялаш ва квоталаш.

Миллий хавфсизликни таъминлаш, жамият манфаатларига риоя этиш ва хитой халқининг соғлигини сақлаш учун ХХР Давлат кенгаши «ХХР ташқи савдо тўғрисидаги қонуни»нинг 17 бандига асосан товарлар импорт ва экспорт қилинишини бошқаради ҳамда «Импорт ва экспорт қилиниши тақиқланган товарлар рўйхати»ни чоп этади.

Ушбу товарлар қуйидаги тоифалар бўйича тақсимланади:

- 1) кимёвий моддалар;
- 2) эксплуатация қилинган асбоб-ускуналар;

3) атроф муҳит ҳолатига таъсир қила оладиган чиқиндилар, масалан дори воситаларини ишлаб чиқариш чиқиндилари, нефть чиқиндилари ва б.

Импорт ва экспорт қилиниши тақиқланган товарлар рўйхати 2004 йилдан бошлаб ҳар йили ХХР ҳукумати томонидан чоп этилади.

2007 йил 6 апрелда ХХР Тижорат вазирлиги ва Божхонаси томонидан «2007 йилда импорт ва экспорт қилиниши тақиқланган товарлар рўйхати» чоп этилди, ва мазкур рўйхатга ХХР ҳудудида импорт ва экспорт қилинаётган 900 номланишдаги товарлар киритилган. Рўйхатдаги товарларни олиб кириш ёки олиб чиқиш тақиқи 2007 йил 26 апрелдан бошлаб кучга кирган.

Олдинги рўйхат 186 ном билан тўлдирилди, жумладан, экспорт қилиниши ман этилган товар сифатида ноёб турдаги ҳайвонларнинг териси, импорт қилинадиган товар сифатида овқатланиш учун бир мартали таёқчалар, парафин ёғлари, мазут ва бир қатор ёнувчи мойлар, экспорт ва импорт учун тақиқланган нефть маҳсулотларининг кальцинацияланган ва бошқа чиқиндилари, шунингдек таркибида хлорли метилен ва унинг аралашма бирикмалари (экспорт ва импорт учун тақиқланган) мавжуд бўлган кимёвий бирикмалар рўйхатга биринчи марта киритилди.

*ХХР Тижорат вазирлиги шуни англатадики, «агар аввал ХХР Тижорат вазирлиги томонидан импорт ва экспорт қилиниши рухсат этилган айрим товарлар 2007 йил 26 апрелдан кейин тақиқланган товарлар рўйхатига киритилиб, мазкур маҳсулотларни импорт ва экспорт қилиш учун шартномалари ўз кучини йўқатмаган бўлса, унда қонунчиликка мувофиқ ҳолда рўйхатдаги товарлар шартномаларининг муддати тугамагунча уларни импорт ёки экспорт қилиш учун божхонага ариза бериб, рухсат олиш мумкин».*

ХХР ҳукумати импорт ва экспорт устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича қуйидаги чораларни қўллаиди: лицензиялаш, квоталаш, экспертиза ва карантин тизими.

Импорт ёки экспорт қилиниши чегараланган товарлар божхона текширувидан ўтказилганда тегишли тузилмалар томонидан тақдим этилган импорт ёки экспорт қилиш рухсат этилиши тўғрисидаги ҳужжатлар ҳамда керакли лицензиялар илова қилиниши зарур.

Лицензиялаш – импорт ва экспортни назорат қилиш давлат маъмурий чораларидан бири. Расман товарларни лицензиялаш мақсадлари қуйидагича: импорт ва экспорт устидан назоратни амалга ошириш, мамлакат ичида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмаклашиш.

Хитой божхонаси товарлар олиб кирилиши ва олиб чиқилишини қонунчиликка мувофиқ назорат қилади. Шу сабабдан юқорида келтирилган рўйхатда белгиланган товарларни импорт ёки экспорт қилиш барча корхоналар учун ман этилади.

Божхона текширувидан ўтказилганда экспорт декларациясида кўрсатилган товарнинг мажбурий лицензияланиши лозим бўлган тоифага тааллуқлилиги текширилади.

Агар товар ҳақиқатан ушбу тоифага тааллуқли бўлса, унда юборувчи-экспортер лицензиялаш жараёнидан ўтишга мажбур бўлади, акс ҳолда декларация қабул қилинмайди ва товар чегарадан ўтказилмайди.

Хитой қонунчилигига асосан барча товарлар қуйидаги тарзда таснифланади: импорт/экспорт қилиниши тақиқланган товарлар, мажбурий лицензияланиши ва квоталаниши лозим бўлган товарлар ҳамда бемалол импорт ва экспорт қилиниши мумкин бўлган товарлар.